
АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Баҳор байрамларга бой фасл. Онахону опа-сингиларимиз байрами билан бошланувчи баҳор байрамларга уланиб кетади. Баҳор гўзал фасл.

Аёл – гўзаллик тимсоли. У борки, олам мунаввар, аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор. Оилани, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокот киритадиган, хонадонларни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Бугун ҳар бир соҳада аёлнинг муносиб ўрнини кўришимиз мумкин. Жамиятимизда уларнинг фаоллиги ортиб бормоқда. Хусусан қайси соҳа ёки тизимни олмайлик бугун аёлларимиз эркаклар билан тенгма-тенг фаолият кўрсатиб келишяпти. Халқ таълими, мактабгача таълим, тиббиёт, фермерчилик, тадбиркорлик, қўйингки жамиятимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз орасида ўз ишининг усталари, фидойиларини истаганча кўрсатишимиз мумкин. 8 март-Халқаро хотин-қизлар куни олдида „Ўктамобод“ мажмуасида ўтказилган байрам тадбирида фахрий онахонлар, фидойи опа-сингилларимиз вакиллари иштирок этдилар. Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов тадбир иштирокчиларини байрам билан самимий табриклаб, туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаолликлари учун миннадорчилик билдирди. Тадбир иштирокчиларидан бир гуруҳи туман ҳокими ташаккурномаси ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Байрам дастурхони атрофидан жой олган онахон, опа-сингилларга таниқли хонандалар Акмал Саъдхонов, Хумора Шайдо, маҳаллий санъаткорлар хизмат қилишди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-03-07 16:40:27